

Рўзанинг шариятда жорий бўлиши



16:05 / 27.05.2017 4109

Бошимизга соябон бўлиб кириб келган моҳи Рамазон арафасида ушбу ойга оид билимларимизни янгилаб олишимиз, бу буюк ибодатга яхшилаб тайёргарлик кўришимиз лозим. Чунки ушбу ғанимат фурсатдан имкон қадар тўлиқ фойдаланиб қолсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, барча гуноҳлардан фориғ бўламиз. Гуноҳлардан фориғ бўлиш эса ҳар бир банданинг энг олий орзуси, ҳаётдаги энг буюк мақсади бўлиши лозим.

Келинг, рўзанинг асосий шаръий ҳукмларини яна бир бор эслаб ўтайлик.

Рўза барча умматларга фарз қилинган

نِيصَحُ نَصَحَ لَعَلَّ عَيْتَ إِذِي تَحَ أَعَارِسَ وَرَثَ أَيْ فُؤَدَ لَجَّ رَحْلُ جَرَلَ تَمَكَّ كَلَّ ذَلَّ تَمَّ نِإْفَ
لَلْأَرْكَذِبِ الْإِنَاطِيَّ شَلَّ نَمُّ هَسْفَنُ زُرْحِي الْإِدْبَعُ لَلْكَذْمُ هَسْفَنُ زَرْحَافَ

(ي ن ا ر ب ط ل ا ه ا و ر ا)

Ҳорис Ашъарий айтишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ таоло Яҳё ибн Закариёга беш нарсани буюриб, уларга амал қилишни Бани Исроилга ҳам буюришни амр қилди. Яҳё бу нарсага бир оз сустлик қилишига яқин қолди. Шунда Ийсо алайҳиссалом: «Аллоҳ таоло сизга беш нарсани буюрди, сўнг унга амал қилишни Бани Исроилга ҳам буюришни амр қилди. Уларга буюринг ёки мен ўзим буюраман», деди. Яҳё алайҳиссалом: «Агар мендан аввал сиз буюрсангиз, мени ер ютиб кетади ёки азобга қоламан, деб қўрқаман», деди ва одамларни Байтул Мақдисга жамлади. Масжид тўлиб, одамлар тепаларга чиқиб кетишди. Шунда Яҳё алайҳиссалом шундай деди: «Аллоҳ таоло менга беш нарсани буюриб, уларга амал қилишни сизларга ҳам буюришни менга амр қилди.

Биринчиси - Аллоҳ таолога ибодат қилиб, Унга ҳеч нарсани шерик қилмаслик. Аллоҳ таолога ширк келтиришнинг мисоли шуки, бир одам ўз ёнидан тилла ва кумуш эвазига қул сотиб олиб, «Бу менинг ҳовлим, мана бу - иш. Ишлаб, унинг ҳаққини адо қилиб турасан», дейди. Аммо қул ишлаб, ҳаққини бошқага беради. Қай бирингиз қулининг бундай қилишига рози бўлади?

Иккинчиси - намоз ўқиш. Намоз ўқисангиз, у ёқ-бу ёққа алангламанглар, чунки банда намоз ўқиётганида алангламаса, Аллоҳ таоло унга юзланиб туради.

Учинчиси - рўза тутиш. Рўза бир жамоа ичидаги мушки анбари бор кишига ўхшайди. Унинг ҳиди ҳаммага хуш ёқади. Рўзадорнинг (оғзининг) ҳиди эса Аллоҳ таолонинг ҳузурида мушки анбардан ҳам хушбўйроқдир.

Тўртинчиси - садақа қилиш. Садақанинг мисоли шуки, душманга асир тушиб қолган, қўли бўйнига боғланган, гарданига қилич уриш учун келтирилган киши «Мен ўзимни озод қилишга озми-кўпми фидя тўлайман», деб ўзини душмандан қутқариб қолади.

Бешинчиси - Аллоҳ таолони зикр қилиш. Зикр - изидан душман қувиб келаётган одамнинг жонини қутқариб қоладиган қўрғонга

Ўхшайди. Банда ҳам шайтондан жонини Аллоҳ таолонинг зикри билангина қутқариб қолади».

Хуллас, рўза Аллоҳ таолонинг барча шариатларида фарз бўлган, аммо рўза тутиладиган кунларнинг адади ҳамда саҳарлик ва ифторлик вақтлари турлича бўлган. Баъзи шариатларда, Нуҳ алайҳиссаломнинг шариатларида ворид бўлганидек, бир умр рўза тутиш фарз қилинган, чунки уларнинг жисмлари кучли, бақувват бўлган. Бошқа бир шариатда эллик кун рўза тутиш фарз қилинган ва ҳоказо.

Аллоҳ таоло энг афзал уммат бўлмиш уммати Муҳаммадияга йилнинг энг яхши ойида – Рамазонда рўза тутишни фарз қилган бўлиб, бу шариатга жорий қилинган энг мукаммал, инсонларга энг фойдали, энг афзал рўзадир.

يضر ديس يبا ن ع رازبالا يور "حج ل و ذمة رح اعم طع أو ناضمر رهش روهش لال ديس
اعوفر مهن عهلل

Баззор Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан марфуъ ҳолда ривоят қилади:
«Ойларнинг саййиди – Рамазон ойи, энг ҳурмати улуғи эса Зулҳижжадир».

رهش روهش لال ديس "لاقهن عهلل يضر دوعسم نب هلل دب ع ن ع ي نارب طلال يور
"ةمحلل موي مايألال ديس و ناضمر

Табароний Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:
«Ойларнинг саййиди – Рамазон ойи, кунлар саййиди жума кунидир».

Рамазон ойи рўзасининг фарзлиги

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоятү фурқондан иборат очиқ-ойдин ҳужжат ўлароқ, Қуръон нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунларда. Аллоҳ сизларга осонликни ирода қилади, қийинликни ирода қилмайди. Саноқни мукаммал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсангиз» (Бақара сураси, 185-оят).

«Саҳиҳи Бухорий»да қуйидаги ҳадис ривоят қилинган:

ي ف م ل س و ه ل ع ل ل ا ل ل ص ي ب ن ل ا ع م س و ل ج ن ح ن ا م ن ي ب : ل و ق ي ك ل ا م ن ب س ن ا
م ك ي ا : م ه ل ل ا ق م م ت ه ل ق ع م م ت د ج س م ل ا ي ف ه ا ن ا ف ل م ج ل ع ل ج ر ل ح د د ج س م ل ا

